

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ****Охунжонов Фарид Сабиржонович***Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби**Тингловчиси*

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, охириги ўн йилликда жаҳон мамлакатларида давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ошди, дунёдаги йирик компанияларда уларнинг активлари ҳажми 45 трлн АҚШ доллоридан ошиб, жами корхоналар активларининг йигирма фоизини ташкил этади.<sup>244</sup> Кучли еттилик давлатлари қаторига кирган АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия каби давлатлар амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу каби давлатлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида ҳам, айниқса, 2007-2008 йилларда бошлаб юзага келган жаҳон молиявий инқирози давридан тортиб бугунги даврда ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги улушини кучайтириб бориш сиёсати мавжудлигини кўриш мумкин. Бунда йирик молиявий институтлар (банклар, суғурта компаниялар), ер ости бойликларни қазिश ва қайта ишлаш саноати, нефть, химия, фармокология, темир йўл, почта ва шу каби соҳа ва тармоқларни давлат ўз назоратида қолишга интилишлар айрим ҳолларда кучайганлигини кўрадиган бўлсак, айрим ҳолларда бу ҳолатларга давлат молиявий активларни киритиш жараёни ошиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, Францияда миллий Париж банкининг саксон фоизи, Париж суғурта компаниясининг етмиш беш фоизи, шунингдек, ер ости бойликларни қазिश ва қайта ишлаш саноати, нефть, химия, фармокология тармоқларидаги корхоналарнинг жами активларнинг эллик фоизидан кўпроғи давлат молиявий активларини ташкил этса, Италияда ялпи ички маҳсулотнинг қирқ фоизидан кўпроғини, Германияда корхоналарга тегишли бўлган асосий фондларнинг йигирма фоизини, ер мулкининг эллик фоизидан ортиғи ҳажмида давлатнинг молиявий активларининг ҳиссаси ёки давлат мулки доирасида фаолият кўрсатмоқда. Аслида иқтисодий муносабатларда бошқа иқтисодий субъектлар сингари давлат мулки шаклидаги корхоналар ҳам иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришга оид назарияларга кўра, давлатнинг иқтисодиётга аралашув сақланиб қолади, аммо унинг улуши жуда кам доирада бўлиш керак, бироқ, мулкчилик шакллари бўйича иқтисодий фаолият юритишда давлат мулкидаги корхоналарнинг мавжудлиги ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий зарурат сифатида юзага чиқади. Демак, бозор муносабатлари шароитида ҳам давлат тадбиркор сифатида юзага чиқади. Бундан ташқари давлат жамият миқёсида табиий монополиялар тармоқлари ва

<sup>244</sup> <https://www.imf.org/ru/publications/fm/issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>



иқтисодиётда йирик тармоқларга давлат активларини жойлаштиради, Ўзбекистонда “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунга кўра табиий монополияларга нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш; электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш; темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш; умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари; сув қувурлари ва канализация хизмати; аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари ва шу кабилар кириб, ушбу тармоқда давлат молиявий активлари асосий роль ўйнайди, демак, ушбу тармоқ ва уларнинг молиявий фаолияти давлатнинг молиявий бошқарув фаолияти орқали тартибга солиб борилади, бу фаолият билан шуғулланувчи корхоналар эса табиийки давлат мулки шаклида бўлади, улар эса давлат корхоналари мақомига эга бўлади.

Ўзбекистондаги амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Давлат корхонаси бу “давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркитилган мулқдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулқдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи-муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулқдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади<sup>245</sup>”. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг томонидан ваколат берилган давлат органлари ҳисобландики, ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатдан Давлат корхонаси алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади. Давлат корхонасининг фирма номида “давлат корхонаси” сўзлари бўлиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, таъсисчи розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин. Аммо, давлат корхонаси давлатнинг бошқа корхонаси таъсисчиси бўлишга ҳақли эмас. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар эса, ўз навбатида устав фондида (устав капиталда) давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат унитар корхоналари ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасалари ҳисобланади.

<sup>245</sup> “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон қарори билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисида НИЗОМ” <http://www.lex.uz/>.



Қайд этилганлардан кўринадики, давлат корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари, ўз ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатдан умумий тартибга эга бўлсада, аммо, уларнинг фаолиятини молиялаштириш ўзига хос тартибга эга бўлади, унинг молиявий манбалари, молиявий ресурсларининг ҳаракатланиши, маҳсулотларни таннархини аниқлаш, фойда нормаларини белгилаш, давлатнинг молиявий активлари сифатидаги қўйилмалардан олинган даромадлар, диведентларни тақсимлаш ҳамда тасарруф этиш жиҳатдан анча фарқ қилади. Ўз навбатида бу каби жараёнлар эса илмий тадқиқотлар учун алоҳида тадқиқот объекти сифатида юзага чиқади.

Албатта, давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш жараёни билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар кўпгина илмий тадқиқот ишларининг объекти бўлиб келмоқда. Қуйида ана шу жараёнлар хусусида бироз тўхталиб ўтамиз.

Давлат корхоналарини молиялаштириш борасида йирик илмий тадқиқот ишларини олиб борган Д.Л. Забелин таъкидлашича, “давлат ва унитар шаклидаги корхоналарни молиялаштиришнинг манбаси сифатида улар томонидан маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар кўрсатишдан олган фойда, бошқа хўжалик фаолиятдан олган фойда, кредит ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар, бюджетдан олинadиган кредитлар, облигация ва вексаелларни жойлшатиришдан олган фойда ва шу кабилар<sup>246</sup>”дан иборат бўлади. Д.Л. Забелин бу ерда шуни ҳам таъкидлайдики, давлат ва унитар шаклидаги корхоналар корхонанинг мулк эгасининг розилигисиз, кредит ресурсларини жалб қилиш ва мулкни бошқа мажбуриятлар шаклида гаровга қўйишга ҳақи йўқ. Бундан шундай хулоса чиқадики, давлат корхоналарини молиялаштиришда молиявий ресурсларни жалб қилиш ва уларни тасарруф этишда мулкий муносабатлар бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, корхонанинг мулкий ҳуқуқий мақомига қараб, молиявий маблағларни жалб қилиш ҳал этилади. Албатта хусусий корхоналарни ҳам олиб қараладиган бўлса, улар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларни тасарруф этиш ва фойдаланиш хусусий мулкдорнинг хошишига қараб амалга оширилади. Давлат корхонаси ёки давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарда ҳамда давлат унитар корхоналарда молиявий маблағларни тақсимлаш эса, хусусий корхоналар сингари фақатгина мулкдорнинг хошишига қараб эмас, балки қонунчиликка асосан молиявий натижаларнинг фойдасини тақсимлаш тартибига боғлиқ бўлади, шу жиҳатдан олганда давлат ва хусусий мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг фарқланиши, бош мақсади фойда олишга қаратилганлиги ва қаратилмаганлигига, иккинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилишда мулкий жавобгарлик ва ҳуқуқий ваколатларнинг мавжудлиги, учинчидан эса, якуний молиявий натижаларни тасарруф этиш (тақсимлаш) билан ўзаро фарқланади. Албатта, бу

<sup>246</sup> Д.Л. Забелин. Финансирование государственных и муниципальных унитарных предприятий в российской федерации. Вестник МФЮА № 2/2014, с. 9.



корхоналарни молиялаштириш механизмларида мулкчиликнинг хусусиятлари асосан турлича юзага келишини кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 42 моддаси, Давлат корхоналари тўғрисида Низом.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-банди
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони 2-илоvasи
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 23.08.2021 йилдаги 537-сон Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон фармони)
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси”.
8. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон қарори билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисида Низом”

